



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 160 (11.721)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий суд хузуридаги суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ва БМТнинг Наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда халқаро минтақавий семинар ташкил этилди.

● Наманган вилояти марказидаги беш ярим мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган «Мустақилликнинг беш йиллиги» маҳалласида замонавий мактаб билими сурати курилиб, фойдаланишга топширилди. 540 нафар ўқувчи мўлжалланган ўқув даргоҳида ёшларнинг пухта билим олишлари учун барча шароит яратилган. Ушбу билим маскани курилиши учун давлат бюджетидан 1 миллиард 834 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

● Фарғонада «Маҳалла тарихи» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Республика «Маҳалла» жамғармаси, Республика Маънавият тарғибот маркази ва «Қамолот» ЁИХ ҳамкорлигида ташкил этилган танловда шаҳар ва туман босқичларининг ғолиблари ўзаро куч синашди.

● Янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўриш, умумтаълим мактаблари, академик лицей ҳамда касб-хунар коллежлари ўқувчиларини дарсликлар ва зарур кийим-кечаклар билан таъминлаш мақсадида Бухоро вилоятидаги барча шаҳар ва туманларда 133 та мактаб бозори ва ярмаркаси ташкил этилди.

● Хоразм вилояти Бобоғ туманидаги «Kottontex» масъулияти чекланган жамияти негизда шу йилнинг март ойида Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси ташкил этилди. Йилига икки ярим минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур корхонада юздан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Модернизация самарасини корхона томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида 2 миллиард 146 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилгани ҳам кўрсатиб турибди.

● Самарқанд вилояти ўлкашунослик музейида мамлакатимизнинг турли вилоятларида фаолият кўрсатаётган музейлар раҳбарлари иштирокида семинар бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Испанияга уч нафар кубалик муҳожир ўз оиласи билан келди. Кейинги бир ой ичида Испанияга яшаш учун келган кубалик муҳолифатдаги муҳожирлар сони шу тариқа 23 тага етди.

● Кеча Афғонистоннинг Бағдод шаҳрида эрта тонгда ва кечки пайт амалга оширилган иккита террорчилик ҳаракати натижасида 61 киши ҳалок бўлди, кўп одамлар оғир тан жароҳатларини олди. «Ал-Қоида» гуруҳи ушбу терактларни амалга оширганликда гумон қилинмоқда.

● Япония иқтисодий ўсиш бўйича жорий йилнинг иккинчи чорагида ўз ўрнини Хитойга бўшатиб берди. Таъкидлаш жоизки, Япония иқтисодий ўсиш бўйича 1968 йили АҚШни орта қолдириб, Германиядан кейин иккинчи ўринга кўтарилган эди. У ўз навбатида 42 йил давомида сақлаб турди.

● Хитойдаги пиротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган фабрикада портлаш рўй берди. Воқеа Ичун шаҳрида содир бўлиб, портлаш оқибатида 19 киши ҳаётдан кўз юмди, 153 нафар одам жароҳатланди, 5 киши бедарак йўқолди. Ҳозирда портлаш сабаблари ўрганилмоқда.

● Футбол бўйича Франция терма жамоасининг Жанубий Африка Республикасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ўзининг ноҳўя хатти-ҳаракатларини кўрсатган тўрт нафар ўйинчисига жазо чоралари қўлланилиб, терма жамоа таркибида бир нечтадан ўйинда майдонга тушишдан четлатилди. Бунда энг оғир жазони Н.Анелкага нисбатан қўлланилди. У терма жамоасининг 18 та учрашувида майдонга тушмайди.

● Англиянинг Лестершир графлигида яшовчи Эд Стаффорд 6400 километрга тенг Амазонка дарёси бўйини пиёда айланиб чикди. Асли харбий бўлган Стаффорд 859 кун мобайнида яёв юрган ва шу тариқа у инсоният тарихида энг узун дарёни айланиб чиққан биринчи киши бўлди. Эднинг ўзи эса, бу ишга қўл урганлигининг асосий сабаби кенг жамоатчилик диққатини экологик муаммоларга қаратиш, жумладан, Амазонка дарёси ҳолати ҳақида хабардор қилиш эканлигини айтиб ўтган.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Айни кунларда юртимизнинг ҳар бир гўшасида энг азиз, энг улғ айём — Мустақиллигимизнинг 19 йиллик байрамига қизғин тараддуд кетмоқда.



Тумандаги корхоналар, таълим муассасалари, маҳаллалар ҳаёти билан яқиндан танишиб, тобора яқинлашиб келаётган байрам нафасини ҳис этдик. Кўчалар, гузарлар, бутун чор-атрофи озода, саранжом-сарийшта қилишга киришган шайхонтоҳурликларга байрам муборак, юрт қорига камарбаста бўлишдек хайрли ишда асло чарчаманг, деб қоламиз.

(Шайхонтоҳур туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ: ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

Пойтахти азимга ўзига хос кўрк ва салобат бағишлаётган, кундан-кунга чирой очиб бораётган Шайхонтоҳур туманида ҳам бу борада кўлами кенг бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, «тўйга тўёна билан» нақли буй кўрсатмоқда.

Қад ростлаётган мухташам, салобатли бинолар, кенг ва равон йўллар, замонавий спорт мажмуалари, касб-хунар коллежлари, академик лицей ва мактаблар кўзни қувнатапти. Барқамол авлод йилида ёшларнинг таълим-тарбияси, соғлиги, жисмонан етуқлиги йўлида корхона, ташкилот, муассасалар ҳамкорлигида режалар ишлар олиб борилмоқда. Айниқса фарзандларимизнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётди.

Ҳар бир жабҳада изчил ислохотлар давом этмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида санаот корхоналари томонидан 528,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 109,7 фоизни ташкил этди. Бунда «Тошкент қувур заводи», «Ўзкейссервис», «Олпласт», «Узмалойл» қўшма корхоналари, «Қамхар» МЧЖ, «Сифат», «Ротор» унитар корхоналари, «Ниҳол тажриба заводи»нинг ҳиссаси катта бўлди.

Туманда 35 та субъект худудий экспорт дастурига киритилган бўлиб, ўтган олти ой мобайнида 10,8 миллион долларга тенг маҳсулот ва хизматлар экспорт қилинган. Хорижий инвестиция иштирокида 16 та янги корхона ташкил қилинди. Умуман олганда, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, қайта қуриш ва кенгайтириш, яқка тартибдаги тадбиркорликни, уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантириш ҳисобига 6489 та янги иш ўрни яратилди.

Мамлакатимизда шахс ва оиланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шарти сифатида белгиланган. Зеро, ҳуқуқий маданияти юксак жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳам, улارнинг амалдаги ижросини жамоатчилик томонидан назорат қилиш ҳам, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалиётга татбиқ этиш ҳам самарали бўлади.

МАМЛАКАТИМИЗДА ШАХС ВА ОИЛАНING ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ ВА ОНГИНИ ОШИРИШ ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ СИФАТИДА БЕЛГИЛАНГАН. ЗЕРО, ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ ЮКСАК ЖАМИЯТДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМ, УЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ИЖРОСINI ЖАМОАТЧИЛИК ТОМОНИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ҲАМ, ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ ҲАМ САМАРАЛИ БЎЛАДИ.

ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ АСОСИ

изчил чора-тадбирлар билан уйғунликда амалга ошираёттир. Жорий йилнинг ўтган даврида жойларда, хусусан, Тошкент шаҳар адлия идораларининг жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва қонун устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган тарғибот ишлари ўз самараларини бераётгани таъкидланди. Соҳа ходимлари аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш билан боғлиқ ишларни фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир

сида ва назорат тартибида қилинаётган ишлар самардорлиги янада ошмоқда. Жумладан, тадбиркорлик субъектлари манфаатини кўзлаб тегишли идораларга юзга яқин тақдимнома киритилди. Натижада тадбиркорлар манфаатларига зарар етказган кўп маъсул шахсларга интизомий жазо чоралари қўрилди. Қонунбузарликка йўл қўйган тўрт нафар мансабдор шахс эғаллаб турган лавози-

мидан озод қилинди. Судларга киритилган даъво аризалари кўриб чиқилиши натижасида тадбиркорларнинг 500 миллион сўмдан зиёд маблағи ундирилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, маҳалла фаоллари иштинор ҳодимлари иштирок этган тадбирда фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги самарадорликни янада ошириш юзасидан олиб борилаётган тадбирлар ва навбатдаги вазибаларга бағишланган маърузалар тингланди. (ЎЗА)

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Энг улғ, энг азиз» республика кўрик-танловига тасвирий ва фото санъат йўналиши бўйича тушган ижодий ишлардан иборат бадий кўргазма ташкил этилди.

ТАБАРРУК ДИЁР МАДҲИ

Кўргазманинг очилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш ва ёш авлодга етказиш, ижодкорлар учун барча шароит ва имкониятларни яратиш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. Бунда ўтказилаётган турли кўрик-танлов, фестивал ва анжуманларнинг аҳамияти юқори бўлаптир.

«Энг улғ, энг азиз» республика кўрик-танлови бу йил «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиори остида ўтмоқда. Танловда иштирок этиш истагидаги ижодкорлар сафи йил сайин кенгайиб бораётгани баробарида ижодий ишлар сифати, савияси ҳам тобора юксалаптир.

Тасвирий ва фото санъат йўналиши бўйича тақдим этилган ишлар жанр, услуб ва мавзу бўйича ранг-баранг ва қамрови кенгдир. Асарларда истиқлолимизнинг ҳар бир юрдошимиз ҳаётидаги инъикоси, барча жабҳаларда эришаётган ютуқларимиз, тинч, осуда ва фаровон ҳаётимиз, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти, самимий ва меҳнатқаш ҳамюртларимиз қиёфаси ёрқин рангларда тасвирланган.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон тарихи давлат музейида жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва келажақдаги вазибаларга бағишлаб ўтказилган конференцияда шу ҳақда гап борди.

Тадбирда адлия идораларининг жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва қонун устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган тарғибот ишлари ўз самараларини бераётгани таъкидланди. Соҳа ходимлари аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш билан боғлиқ ишларни фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир

ҚИСҚА САТРАРДА



✓ **ХАЛҚ** депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг доимий комиссияси ташаббуси билан бизнес субъектлари ва молия соҳаси вакиллари иштирокида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

✓ **АМИР ТЕМУР** шоҳқўчасида барпо этилаётган Тошкент молия институтининг янги биноси курилишида «Қамолот» ЁИХ ташаббуси билан ташкил этилган «Бунёдкор ёшлар» меҳнат гуруҳлари фаол қатнашмоқда.

✓ **ШАХРИМИЗДА** банк соҳаси мутахассислари, молия тизими ходимлари иштирокида уюштирилган семинар-тренингда микромолиявий имкониятларни кенгайтириш ҳақида фикр-мулоҳазалар алмашилди.

✓ **ЮРТИМИЗ** Мустақиллигининг 19 йиллигига туҳфа сифатида Алишер Навоий номидаги киносаройда янги болалар томоша зали бунёд этилди.

ШАЙХОНТОХУР ТУМАНИ: ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ



САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Юртимиз том маънода ёшлар мамлақати. Шундан келиб чиққан ҳолда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, йигит-қизларимизни XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб воёга етказиш мақсадида туманда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ёш авлоднинг жисмонан соғлом бўлиши, болаларни спортга мунтазам шугулланишга жалб этиш, янги мажмуалар, стадионлар ва иншоотлар қуриши, уларни замонавий спорт анжуманлари билан жиҳозлаш, шунингдек малакали мураббийлар билан мустаҳкамлашга катта эътибор қаратиб келинаётир.

Жумладан, жорий йилнинг ўзида «Белтепа» спорт мажмуаси, маҳаллалардаги 23 та болалар ўйин ва спорт майдончалари таъмирланди, бир қатор янги-лари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътил кунларини мазмунли ўтказиш, оромгоҳларда мароқли дам олишини ташкил-

лаштириш мақсадида мунтазам спорт мусобақалари ўтказилиб келинмоқда, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими мутахассиси Шерзод Зияматов. — Баскетбол, мини-футбол, волейбол, кўл түпи, энгил атлетика, шахмат, шашка, стол тенниси ва кураш бўйича мусобақалар 20, 320,

102, 115, 324-мактаблар қошида ташкил этилган оромгоҳларда кенг миқёсда ўтказилиб, уларга 485 нафар ўқувчи-ёшлар қамраб олинди. Бундан ташқари, 60 нафар кам таъминланган оила фарзандларига «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасига сузиш хавзасига чипталар ҳам берилди.

Кейинги йилларда ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама камол топтириш, истеъдодини ривожлантириш, ёшларнинг миллий ва жаҳон мусиқаси, тасвирий санъатнинг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда.

Бу борада айниқса мамлакатимиз Президентининг «Болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида» ги Қарори дастуруламал бўлмоқда. Тизимдаги ўқув муассасалари тубдан таъмирланиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Фикримизни 23-болалар мусика ва санъат мактаби мисолида давом эттирадиган бўлса, ушбу таълим масканида бугун қурилиш-таъмирлаш ишлари жадаллик билан кетмоқда.

— Мактабимиз 1970 йилда қурилган бўлсада, мустақиллик шарофати билан энди мукам-

мал таъмирланмоқда, — дейди мактаб директори Олим Муҳидинов. — Ҳозирги кунда бош

ўзи лойиҳанинг кўлаמידан далolat беради.

Ўқув масканида 260 нафардан зиёд ўғил-қизлар фортепиано, скрипка, ўзбек халқ чолғулари ва пуфлама асбоблар, эстрада хонандалиги, тасвирий санъат ва хореография йўналишлари бўйича билим олиши учун тегишли шароитлар яратилиб, улар 33 нафар устоз-мураббий кўмагида гўзаллик олами сирларидан воқиф бўлмоқда. Бу ерда ҳақиқий иқтидор соҳиблари етишиб чиқаётганлигини ўқувчилардан Рустам Умаров ва Сетора Ҳамроқулова «Янги авлод» болалар фестивалида, шу-

нингдек академик чолғулар ва эстрада ижрочилиги бўйича танловларда голиб бўлгани тасдиқлайди.

— 7 ёшдан 11 ёшгача бўлган болажонларни санъатга ошурф та этган ҳолда улар орасидан энг иқтидорли, изланувчан, зеҳлиларни танлаган йўналиши бўйича янада пухта ўргатишга ҳаракат қиламиз. Мақсадимиз ёшларимизнинг истеъдоди ва иқтидорини муносиб баҳолашга кўмаклашишдир, — деди таъкидлаб О.Муҳидинов.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

• Майдони 27,2 квадрат километрдан иборат Шайхонтохур туманида 291,1 минг аҳоли истиқомат қилади.

• Туманда 16 та йирик ва тўрт мингга яқин кичик корхоналар фаолият кўрсатади.

• Ёш авлод таълим-тарбияси йўлида 48 та мактабгача таълим, 40 та мактаб, бешта академик лицей, ўн та касб-ҳунар коллежи, тўртта олий таълим муассасаси хизмат кўрсатади.

• Баркамол авлод йилида тумандаги Республика рассомлик ва матбаа-ноширлик коллежларида реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Мустақиллик байрамига ушбу таълим масканлари замонавий кўринишда фойдаланишга топширилади.

• «Мафтункор ранглар олами» кўрик-танловида 37-мактабнинг 28 нафар тарбияланувчиси иштирок этиб, аксарияти голиблар сафида совғалар билан тақдирланди.

• 36 та мактаб замонавий компьютер билан таъминланиб, «Ziyo NET» тармоғига уланган, 20 та мактабда компьютер синфлари очилган.

• Тижорат банкларни томонидан янги иш ўринларини яратиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 4,2 миллиард сўм кредит ажратилган.

• Мустақиллик байрами шодиёналари давомида туман ҳокимлиги томонидан 8 жуфт келин-куёвнинг никоҳ тўйлари ўтказилиб берилди.

2010 йил — Баркамол авлод йили
ЁШ ТАДБИРКОР — ЮРТГА МАДАДКОР

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан муайян ишлар амалга ошириляптир.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашидан олинган маълумотларга кўра, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ҳамкор ташкилотлар билан 2010 йилнинг биринчи ярмида ўтказилган меҳнат ярмаркалари орқали 3000 нафардан зиёд ёш ишга жойлашган.

Ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларда тадбиркорлик кўникмасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2008 йилдан буён «Микрокредитбанк» ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда аънанвий тарзда ўтказилаётган «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» лойиҳаси ҳам аини шундай мақсадларга хизмат қилаётир.

Ўтган вақт мобайнида мазкур лойиҳа асосида 2144 ёшга банкдан имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Бундан ташқари, танлов асосида саралаб олинган 28 нафар ўғил-қизга берилган кредит суммаларининг фоиз ставкалари «Камолот» томонидан тўлаб берилмоқда.

Пойтахтлик Шахло Зоирова 2009 йили мазкур танловда голиб чиқиб, «Микрокредитбанк»дан 1,6 миллион сўмлик кредит олиб, «Шахлофайз» маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил қилди. Бугун бу ерда аҳолига тикувчилик хизмати кўрсатиб келинмоқда.

— Юртимизда ёшлар ўзи қизиққан соҳада фаолият юритиши учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди ЎзА муҳбирига Шахло. — Кичик корхонамизда аҳолига кийим-кечак тикиш билан бирга аёлларга касаначилик, чеварлик ҳунари ҳам ўргатилмоқда. Ҳозир ўндан зиёд хотин-қиз иш билан банд.

Қашқадарёлик Азамат Махсумов қурилиш материаллари ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танловда голибликни кўлга киритиб, «Агробанк»дан 16 миллион сўмлик имтиёзли кредит олди. Бугун у кишлқларда барпо этиляётган замонавий уй-жойлар учун зарур қурилиш материаллари етказиб бераётир. Бундан ташқари, кишлқдаги 12 нафар ёшни иш билан таъминлади.

Жорий йилда «Камолот» томонидан ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, республика банклари ҳамда Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда қатор шартномалар имзоланиб, янги лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Бу лойиҳаларга асосан ёшларнинг, айниқса, чекка ҳудудлардаги йигит-қизларнинг тадбиркорлик тақлифлари мутахассислар томонидан ўрганилган ҳолда тегишли тижорат банклари орқали энг кичик фозиз ставкаларида молиялаштириш режалаштирилган. Шунингдек, ёшлар бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида, жойларда соҳа мутахассислари иштирокда ўқув семинарлари ташкил қилинаётир.

Буларнинг барчаси ёшларда бозор иқтисодиёти муносабатларида оид кўникмалар ва мулкка эгаллик туйғусини кучайтириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни иш билан таъминлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Гўзал САТТОВА

Иқтисодиёт
ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

Бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда изланаётган кўплаб корхоналарда тайёрланаётган рақобатбардош товарларга хорижий харидорлардан ҳам буюртмалар тушмоқда. Бу эса экспортни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Огнепоро» масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай корхоналар сирасидан бўлиб, 10 йиллик фаолияти давомида маҳсулот турлари, ишлаб чиқариш ҳажми ортишига эришилди. Мазкур корхонада олов ва кислотабардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Импорт ўрнини босувчи мазкур товарлар халқ хўжалигининг кимё, металлургия, нефть-газ саноатида кўл келади.

Айни пайтда корхонада 2,5 мингдан зиёд маҳсулот турлари тайёрланмоқда. Ўтган йилда корхонада 7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлинди. Жумладан, 650 минг АҚШ долларлик маҳсулотлар Тожикистон, Қозғистон сингари Ҳамдўстлик давлатларига экспорт қилинди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, маҳаллийлаштириш дастури ижросини таъминлаш йўлида корхонада ўзига хос ишлар бажарилмоқда. Цехларни техник ва технология жиҳозлаш режасига кўра 2009 йилда Россия ва Украинадан янги технология линия келтириб ўрнатилди. Шу боис ҳам жорий йилда уларнинг ишга туширилиши маҳаллий хом ашё асосида бир нечта импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш имконини берди ва янги иш ўринлари яратилмоқда.

Асосий буюртмачилар хусусида тўхталадиган бўлса, Олмалиқ ва Навоий тоғ-кон металлургия комбинатлари, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, «Ўзметкомбинат» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзкимёсанот», «Ўзқурилишматериаллари» акционерлик компаниялари ана шулар жумласидандир. Буюртмачиларнинг талаби вақтида ва сифатли қондирилиши мустаҳкам алоқалар ҳамда янги фойдали шартномаларга замин яратмоқда.

Корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилга қараганда 30 фоизга ошириш режа қилинган. Албатта, бозор ва харидор талаблари даражасидаги маҳсулот турлари ҳам ишлаб чиқаришга жорий этилади. Ҳозирда 150 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхонада келгусида кўшимча ишчи ўринлари яратиш ҳам кўзда тутилган.

Шарофат БАҲРОМОВА

Ёшлар — келажакимиз
МУСИҚА ЭЗГУЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

2007 йилдан бери фаолият юритиб келаётган «Биолайн косметикс» кўшма корхонасида 94 хилдаги гўзаллик воситалари ишлаб чиқарилади. Маҳсулотлар нафақат республикамиз, балки Тожикистон, Қозғистон, Туркменистон каби бир қатор давлатларга ҳам экспорт қилинади. Айни пайтда корхонада янги технологияларни жорий

пудратчи «Араббой» хусусий корхонаси қурувчилари пардозлаш ишларини олиб бормоқда. Асосий бинога кўшимча 150 ўринга мўлжалланган концерт зали барпо этилди, ўқувчиларга барча шарт-шароитлар яратилган ҳолда синфлар орасидаги деворларга шовқинни тўсувчи алоҳида ускуналар ўрнатилди. Мактабимиз эндиликда мусика ва санъат мактабида фаолият юритади. Биргина қурилиш ишларига 721,4 миллион сўм сарфланганининг

этиш, кўшимча иш ўринлари яратишга ҳаракат қилинмоқда. — Маҳсулотларимиз хиллини кўпайтиришга интил-

моқдамиз, — дейди директори ўринбосари Саидиби Ҳасанова. — Яратилаётган қулай шароитдан фойдаланган ҳолда корхонада

модернизация жараёни давом этмоқда, шунингдек

яқин орада бир нечта янги турдаги шампунь ишлаб чиқаришга мўлжалланган линия фойдаланишга топширилади. Бунинг натижасида 12 та кўшимча иш жойи очилади. Албатта, мақсадимиз маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш баробарида хорижий буюртмаларни ҳам оширишдир.

Саҳифа материалларини Шоира МУҲАМЕДОВА тайёрлади
Козим Ўлмасов олган суратлар

«НАВҚИРОН ЎЗБЕКИСТОН» ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНДИ

Ёшлар ижод саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Навқирон Ўзбекистон – 2010» аънавий ва замонавий санъат фестивали бунинг далилидир.

Шу муносабат билан ушбу муҳташам саройга тасвирий санъатнинг турли йўналишларида фаолият олиб бораётган ижодкорлар, санъатшунослар, устоз ва мураббийлар, талаба-ёшлар, ота-оналар ташриф буюрди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлод камолоти ва истиқболи, таълим-тарбияси, маънавияти ҳақида доимий ғамхўрлик кўрсатиш барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг пировард мақсадини ташкил этади. Бу борада Президентимиз томонидан қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар, давлат дастурлари ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жаҳон андозалари даражасида билим олиши, жисмонан ва маънан баркамол инсон бўлиб вояга етиши, касб-



Ватанимиз Мустақиллигининг 19 йиллик байрами арафасида жойларда ўтказилаётган ранг-баранг тадбирлар, анжуманлар, фестиваллар эл-юртимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанга меҳр ва садоқат туйғуларини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

хунар эгаллаши, илм-фан, маданият ва санъат, спорт каби соҳаларда янгидан-янги марраларни эгаллашида муҳим омил бўлмоқда.

Юртимизда барпо этилаётган санъат масканлари, галереялар, кўргазма заллари, болалар мусика ва санъат мактаблари, бадий ижодиёт марказлари тасвирий санъатни изчил ривожлантириш, қобилиятли ёшларни аниқлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, йигит-қизларни санъатнинг энг юксак намуналаридан баҳраманд этиш имконини бермоқда.

Аънавий тарзда ўтказилаётган «Навқирон Ўзбекистон» санъат фести-

валидан кўзланган асосий мақсад ёш авлод истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш ва бадий диди, тафаккурини юксалтириш, халқимиз, кенг жамоатчиликни ёш мусавирларнинг ижоди, улар эришган ютуқлар, мазкур соҳадаги янгиланган билан атрофлича таълим-тарбиядан иборатдир. Айни пайтда ушбу фестиваль рассомликнинг турли услуб ва жанрларида изланаётган ижодкор ёшларнинг фаолиятини атрофлича таҳлил этишда муҳим ўрин тутди.

Фестиваль доирасида ташкил этилган кўргазмада тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, фотография, инсталляция, халқ амалий санъатининг турли йўналиш-

рида ижод қилаётган уч юздан ортик ёшларнинг энг сара ижод намуналари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

– Жонажон Ўзбекистонимиз истеъдодлар диёри, унда ҳар бир қобилиятли йигит-қиз доимий эътибор ва эъзозда экани биз, ёшларни жуда руҳлантиради, – дейди ЎЗА муҳбирига Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг дизайн факультети талабаси Бехзод Мамарайимов. – Бундай санъат фестивалида иштирок этиш биз учун катта шарафдир. Айни пайтда бу улкан ишонч бизни масъулиятни астойдил ҳис этишга, кўрсатилаётган меҳр ва эъзозга лойиқ бўлишга ундайди.

Санъат фестивали ёрқин ва ранг-баранг тадбирларга бой. Фестиваль доирасида устоз мусавирлар, ҳайкалтарошлар, етакчи санъатшунос олимлар иштирокида маҳорат сабоқлари, ўқув семинарлари, тақдирот маросимлари ўтказилиши кўзда тутилган. Айни пайтда турли жанр ва услубларда самарали изланаётган голиб ижодкорлар аниқланади. Фестиваль доирасида ташкил этилган кўргазма 16 сентябргача давом этади.

Назозат УСМОНОВА

ЮРТИМИЗ ФОТО САНЪАТИ МЎЎҒУЛИСТОНДА

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимиз, айниқса ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида тарбиялаш, миллий санъатни изчил раванг топтириш борасида кўрсатилаётган юксак эътибор ўз самараларини бермоқда.

Ўзбек фото санъати соҳасида халқаро ҳамкорликнинг янада кенгайиб, мустақимланаётгани, Ўзбек фотография санъати ва маданиятига оид халқаро кўргазмалар, ижодий фестиваллар ва анжуманларнинг муваффақиятли ўтказилаётгани бунинг далилидир.

Мўғулистоннинг Улан-Батор шаҳридаги замонавий санъат миллий галереясида «Ўзбек фотография санъатининг 125 йиллиги» мавзусида кўргазма бўлиб ўтди. Тошкент Фотосуратлар уйдан маълум қилишларича, Ўзбекистон Бадий академияси ва Ташқи ишлар вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазма мўғулистонлик санъат ихлосмандларида катта таассурот қолдирди.

Юртимиз фото санъатининг тарихи, бугунги кунини ва истиқболи ҳақида атрофлича маълумот берувчи ушбу кўргазмада турли йилларда тасвирга олинган эллиқдан зиёд сурат намойиш этилди. Улар орасида Ўзбек фото санъати мактаби асосчиси Худойберган Девонов томонидан олинган суратлар ҳам бор.

Кўргазмада намойиш этилган ижодий ишлар орасида, айниқса, истиқлол йиллари барча жабҳаларда эришган ютуқларимиз, тинч, осуда ва фаровон ҳаётимиз, миллий аънава ва қадриятларимиз, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, жонажон Ўзбекистонимизнинг бекаткор табиати, обод шаҳар ва қишлоқлар, тарихий обидалар, меҳнаткаш, самимий ва бағрикенг ҳамюртларимиз фаолияти, ёшларга кўрсатилаётган юксак меҳр ва эътибор акс эттирилган фотоасарлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

(ЎЗА)



Ҳамза туманидаги «Кичкинтой» деб номланган 203-мактабга таълим муассасасига кириб борганимизда, бу ерда бирор тадбир ўтказилаётган бўлса керак, деб ўйладик. Боғча йўлақларидан тортиб, болалар майдонларигача, уйингоҳлар байрамона безатилган. Саволимизга эса бизни илик кутиб олган муассаса раҳбари Меҳрихон Даминова шундай жавоб берди:

– Ҳақиқатан ҳам бизнинг жамоамизда ҳар бир кун байрам, шодиёна десак, асло муболага бўлмайди. Чунки болаларнинг даврасидек иссиқ, хушчақчақ, бегубор, файзли давра бўлмаса керак. Энг муҳими, Мустақиллик фарзандлари бўлган жажиларимизнинг яйраб ўсиши, қомил бўлиб вояга етиши, мактаб остонасига ўзига хос тайёргарликлар билан кириб бориши учун барча имкониятларни ишга соламыз. Бу борада боғчамизни меҳр ошенига, ўғил-қизларимизнинг хамиша талпинадиган масканига айлантиришга

муносиб ҳисса қўшаётган тажрибали педагог-тарбиячиларимизнинг ҳиссаси салмоқли. Узоқ йиллардан буён меҳнат қилиб, анағаликдан бугунги кунда муҳир тарбиячи айланган Шоҳиста Абдуҷабборова, Дилбар Уролова, Ирода Курбонбековалар ана шундайлар сирасидан бўлиб, уларни нафақат тарбияланувчилар, балки ота-оналар ҳам севишади. Улар давр талабларидан келиб чиққан ҳолда ўз иш услубларида замонавий технологияларни қўллашади, ҳар томонлама қомил инсонни болаликдан тарбиялашга интилишади. Болажонларнинг фойдали меҳнат билан шугулланишига ҳам эътибор билан ёндошилади.

Ушбу маскан айни пайтда 187 нафар кичкинтойни ўз бағрига олган. Уларга саккиз нафар тарбиячи, икки нафар энага

«КИЧКИНТОЙ»ДАГИ ШОДЛИКЛАР

Болаликнинг бегубор дамлари ўтадиган, кичкинтойларнинг бир олам қувончу қийқириқларига тўла маскан — мактабга таълим муассасалари мустақиллик йилларида таълим соҳасида олиб борилаётган изчил ислохотлар боис ўзгача мазмун-моҳият касб этмоқда. Негаки бундай масканларда бугунги кунда юртимиз келажаги бўлган баркамол авлод вояга етмоқда.


ва олти нафар тарбиячи ёрдамчиси парвона, ошпаз опаларининг ширин таомларини эса севиб истеъмол қилишади. Тажрибали психолог, мусика раҳбари ҳам тарбияланувчилардан меҳнат маҳоратини ямайди. Шу боис ҳам боғчада кунлар сермазмун ҳамда шодиёна ўтади. Айниқса саратоннинг иссиғида сузиш ҳавзасида яйраб чўмилганга нима етсин. Бундан ҳар бир бола ўзгача завқ олади. Бадий гимнастика машғуллари ҳам болажонларга жуда ёқади.

Тарбия маскани 153-мактаб билан ҳамкорликда иш юритади. Бу йил ҳам 42 нафар ўғил-қиз ана шу мактаб остонасига қадам қўяди. Мактабга саёхатлар, ўқитувчилар билан суҳбатлар уларнинг таассуротларини бойитиб, билим олишга интилишларида муҳим аҳамият касб этади.

Айни кунларда таълим муассасасида шодиёна шуқуқ ҳукмрон. Ҳар бир гуруҳ эрталикларга ҳозирлик кўрмоқда, расмлар кўргазмаси ўтказилмоқда. Айниқса болалар тайёрлаётган кўчирчоқ театри барчага манзур бўлиши, шубҳасиз, Кичкинтойларга мустақиллик, унинг буюк неъмат эканлиги ҳақида берилаётган тунчалар бийрон тиллардаги шеър кушиқларда янграйди.

Ҳар бир боланинг ўз олами борлиги ҳақиқат. Боғчадаги энг сурурли дамлар ана шу оламнинг энг азизи, энг қимматлиси. Мана шундай дамлар Истиқлол неъматларидан баҳраманд болажонларнинг барчасига насиб этсин. «Кичкинтой»нинг қувончлари асло сўнмасин.

Шарифа ИЛЁСОВА
Козим Улмасов олган сурат



Хотин-қизлар кураши бўйича беллашувларда, деб хабар беради ЎЗА, ҳамюртимиз Нилуфар Гадоева терма жамоамиз ҳисобига бронза медал келтирди. Вазни 52 килограммгача

бўлган қизлар ўртасидаги баҳсларда Нилуфар гуамлик Арианна Эстакуйо, жазоирлик Сабина Аззоуз ва вьетнамлик Тхи Кыюнг Дием Нгуенни бир хил – 4:0 ҳисобида енгиб, шоҳсу-

Сингапурда ўсмирлар ўртасида давом этаётган I Олимпия ўйинларида муваффақиятли қатнашаётган спортчиларимиз терма жамоамиз ҳисобига учинчи медални қўшди.

Сингапур-2010

НИЛУФАР — ОЛИМПИАДА ШОҲСУПАСИДА

панинг учинчи поғонасига кўтарилди.

Сингапур Олимпиадасида курашчиларимиз муҳлису мутахассисларимиз ишончини дадил оқламоқда. Олимпия ўйинларида қатнашаётган тўрт курашчимиздан уч нафари беллашувларни му-

ваффақиятли яқунлади. Нилуфар Гадоевадан ташқари юнон-рум кураши бўйича Нурбек Ҳаққулов кумуш, Руслан Қомиллов бронза медални қўлга киритган эди. Энди Диёрбек Эргашев мусобақага киришади.

Зоҳир
ТОШҲУЖАЕВ

Футбол

ЖАНГОВАР ДУРАНГ

Футбол бўйича уюштирилаётган Осиё чемпионатида тайёргарлик кўриш мақсадида Марат Кабаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси айни кунларда Испанияда ташкил этилган халқаро турнирда қатнашаётганлигидан мухлисларнинг хабари бор албатта.

Авал хабар берилганидек, Валенсия шаҳрида ўтказилаётган халқаро турнирда терма жамоамиз «В» гуруҳида Эквадор терма жамоаси, Испаниянинг «Вильярреал» ҳамда Сенегалнинг «Этуал Лузитон» командаларига қарши голиблик учун курашмоқда. Кунини кеча Испаниянинг «Вильярреал» жамоаси билан Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ўртасида гуруҳнинг дастлабки беллашуви ўтказилди. Мурсосиз ва шиддатли курашлар остида кечган баҳсда томонлар мурсоса йўлини танлашди. Учрашув 2:2 ҳисобида жанговар дуранг билан якунига етди.

Энди Марат Кабаев шогирдлари Сенегалнинг «Этуал Лузитон» жамоаси билан куч синашишади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2765 нускада босилади.
Қоғоз ёнғини А-2



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

**Сўздаки бордур асари дарду сўз,
Барча улус олдиндадур дилфуруз.**

**Одамийдин қолса керак сўз халаф,
Сўз била ҳосил этар эр шараф.**

**Чу билдинг дунёни йўқтур вафоси,
Анга етмаски, сен тортсанг жафоси.**

**Сахову марҳамат бўлса сифотинг,
Жаҳонда боқий қолгай яхши отинг.**

**Кўнгулким, йўқтур анга сифгайи ғам,
Жаҳонда бўлмасун ул қалб бир дам.**

**Адабсиз одамий мақсуда етмас,
Зиённи кўрмагунча суда йитмас.**

**Адабдур аҳли давлатнинг нишони,
Адабдин ҳосил ўлур қомроний.**

**Бу йўлда аввалин манзил адабдур,
Иккинчи сидқи дил бирла талабдур.**

**Адабсизлардин ўргангил адабни,
Риёзат бирла ўтқар рўзу шабни.**

**Адабни сен ўзинга айла раҳбар Ки,
етсанг манзилу мақсуда яқсар.**

**Адабдур мойи бахту саодат,
Зиҳий давлатки, қилсанг хўю одат.**

**Адабсиз одамий худ одам эрмас,
Эрур ҳайвондин ўқсуқ аълам эрмас.**

**Адабдур обрўйу шоҳу дарвеш,
Адабсиздур ҳамиша хору дилреш.**

**Адабдур ҳосили пиру муридий,
Адабдур давлату иззат мазиди.**

**Ки, йўқтур дунёда бир соҳибасрор,
Кўнгулнинг дардидин бўлса хабардор.**
**(«Маҳобҳорат» достонидан)
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.